

Бу, бир вақтлар, шаҳарнинг энг мухташам уйларидан эди. Янгигина курилиб, тошлари хали оппок бўлган пайтда кўчанинг хуснига хусн кўшиб турарди. Кейинчалик ҳамма нарса секин-аста ўзгариб кетди. Эндиликда бино замона рухига, машиналар ва одамларнинг кийим-бошларига мос тушмай, кандайдир бегонага ўхшаб колганди. Уйнинг деворлари аста-секин нураб борар, бу ерда тугилган болалар ҳам аллақачон улгайиб, бирин-кетин ўзга маконларга чикиб кетишган, эндиликда бошка уйларда яшашарди. Факат ахён-ахёнда улар фарзандларини етаклаб, кекса хонимни кўриш учун бу ерга кадам ранжида килишарди.

Кўшнилари «кекса хоним» деб атайдиган бу аёл эндиликда бутун бошли уйда оксоч билан ёлғиз колганди.

Ўша окшом хоним овқатдан сўнг мехмонхонасида чой ичиб ўтирар, телевизор кўришга ҳам, хат ёзишга ҳам иштиёки йўқ, ҳеч ким билан гаплашгиси келмас, хуллас, тушкун бир кайфиятда эди. Баъзан ҳаётда шундай холлар бўладики, киши танҳоликни кўмсаб қолади. Лунъан хонимни камраб олган ҳаёллар аслида унчалик кайгули эмасди. Лекин ҳозир у китоб ўқиш ва мусика тинглашдан кўра ёлғиз қолиб, нозик хис-туйғуларга берилишга кўпроқ мойил эди.

У худди одамлар орасида ўтиргандек қаддини тик тутган, гарчи ҳеч кимни кутмаётган бўлса-да, ўз кўнглини кўтариш учун чиройли кўйлагини кийиб олганди.

Хоним анча вақтгача ўй-ҳаёлларга чўмиб ўтирди. Нихоят, унга зина томондан кимдир юриб келаётгандек туюлди. «Хизматкор аёл ухлаш учун юқорига чикиб кетаётган бўлса керак»...— деб ўйлади хоним. Йўқ, бу огир ва судраб босилаётган кадам товушлари эди. Хоним хизматкор аёл Кармен бирор кимсанинг келгани ҳақида хабар бермаганидан ажабланди. Сўнгра мехмонни кутиб олиш учун ўрнидан туриб, ойнага бир қур назар солди. Пардоз-андози жойида эди...

Эшик тақиллаб, кекса бир киши кириб келди. Мехмоннинг қомаги букчайган, у зўрга кадам ташларди.

— Биламан,— деди у деярли шивирлаб,— менинг бу кечки ташрифим сизга жуда ҳам галати кўринаётган бўлса керак.

— Бахтга қарши, қисматдан кутулиб бўлмайди,— деди хоним.

— Кўриб турибман, сиз мени танимаяпсиз.

Хоним эшлашга уриниб, мехмоннинг чехрасига синчиклаб қаради. Йиллар унинг юзини ўзгартириб юборганди. Бирок бу гамгин кўзлар Лунъан хонимга нотаниш эмасди. Бирдан хонимнинг лабларига мехмоннинг исми келди. Жильбер Мессонье... Лунъан хоним ҳушмуомалалик билан ўзининг ниҳоятда таажубланганини кўрсатмасликка ҳара- кат қилди.

— О! Сизни шунча йиллар ўтгандан кейин яна кўрганимдан жуда бахтлиман. Нега кўнгирик қилмадингиз? Тўғридан-тўғри овқатланишга келаверган бўлардингиз. Тик

турманг. Илтимос, мана бу ўриндикка ўтиринг.

Мехмон жуда чарчаган экан, секин чўкди. У хонимникига келиш учун анчагина масофани босиб ўтганидан харсилларди. Хонимга гап котиш учун мехмонда мажол ҳам йўк эди.

— Бир пиёла чой ичасизми? Хозиргина дамлашганди.

Мехмон чойни рад этиб, стол устидаги графинга ишора килди:

— Рухсат этсангиз, бироз сув ичсам.

Хоним стаканга сув куйиб узатди. Мехмон бир неча култум хўплаб, сал ўзига келгандек бўлди.

Луњан хоним нима дейишини билмасди. Чунки, у бир пайтлари яхши таниган навкирон йигит билан бу кария ўртасида жуда ҳам катта тафовут бор эди. «Нима учун келди экан», деб ажабланганди.

— Сиз менга кўп нарсалар хакида гапириб берсангиз керак. Табиийки, уйлангансиз. Бу хамминг бошида бор. Шубхасиз, болаларингиз ҳам бордир, улар ҳам меникиларга ўхшаб турмуш куришган бўлса керак. Берарларни тез-тез кўриб турасизми? Бетакрор, ажойиб инсонлар... Маргаританинг шимпанзесини эслайсизми? Бир куни у токка кочиб кетганди. Жаноб Берар ушламокчи бўлганда, уни тишлаб олганди. Ўшанда шунакаям кизик бўлгандики...

Хоним зўрма-зўраки кула бошлади-ю, мехмоннинг жиддий ўтирганини кўриб, дархол ўзини тутиб олди.

— Саволларингизга жавоб бермаётганим учун кечиринг,— деди мехмон бўшгина.— Бошка пайт бўлганда мен буни жоним билан айтиб берардим. Лекин хозир вақтим жуда зик. Мен бу ерга асосий нарса хакида, яъни сиз хакингизда гаплашгани келганман. Хоним «хожати йўк» дегандек, имо билан каршилиқ кўрсатиб деди:

— Шунчалик узок айрилиқдан. сўнг ҳам мен билан кизикаётганингиздан мамнунман.

— Мен сизни ҳеч қачон унутганим йўк,— давом этди мехмон.

— Шунака ҳам илтифотлисизки...

— Мен ҳеч ҳам ундай деб ўйламайман. Арманда, охирги учрашувимизни эслайсизми?

— Ха, биз унда жуда ёш эдик. Бирок мен унутганим йўк. Ўшанда сиз бир оз тентакрок эдингиз, галати гапларни гапирардингиз.

— Мен тўгрисини айтгандим. Сизни севаман, биз хаётимизни албатта бирга ўтказишимиз керак, деб қайта-қайта такрорлагандим. Сиз эса ишонмасдингиз, хайрон бўлардингиз. Тахминимча, мендан чўчирдингиз шекилли. Эндиликда бир-биримиздан йирокда ўтказган хаётимиз сўнгида, мен сизни яна бир бор кўриш истагида бу ерга келдим. Сизни хали ҳам севишимни, хаётимнинг энг сўнги дақиқаларигача фикру хаёлим факат сизда бўлишини айтиш истагида келдим.

У олдинга букилганича хастахол ўтирарди. Мехмон бу сўзларни айтаётганида хоним тўсатдан унинг карашларида илгариги, ўша пайтлардаги эхтиросни хис этди. Хонимга унинг бўйинбоги ўша охирги учрашув чогида такилган бўйинбог бўлиб туюлди.

Жаноб паст овозда гапирар, унинг овози борган сари янада пасайиб, қандайдир тушуниб бўлмайдиган шивирлашга айланиб борарди. Сўзлари хали аниқроқ эшитилиб турганда, у хонимнинг номини тўхтовсиз такрорлаётганини илгаш мумкин эди. Ўша ёз кунининг ёркин ранглари, хушбўй хидлари, унинг ўшанда таккан бўйинбоги, буларнинг хаммаси хонимнинг кўз олдида ҳудди хозиргидек гавдаландики, гўё хаёт яна қайтадан бошланаётгандек эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмагандек туюларди. Ўша кун Луњан хонимнинг хотирасида хайратомуз тарзда қайта жонланди. Чунки мехмоннинг паст овози уни узок ўтмишга олиб кетганди. Мехмоннинг овози кучайиб, сўзлари аниқлаш- ганда

хоним бир чўчиб тушди.

— Ростдан хам ҳеч нарсага мухтож эмасмисиз? Агар илтифотсизлик қилган бўлсам кечирасиз, чамаси мазангиз йўкка ўхшайди, дўхтир чакирайми?

Мехмон бош тебратиб, «йўк» ишорасини қилди. У яна тетиклашгандек кўринарди. Хоним жаноб яна ўз дил изхорини бошламокчи бўлаётганини сезди.

— Йўк! — кичкирди бирдан Луньян хоним.— Илтимос, бас қилинг! — Мехмон зўрга ўрнидан турганида, хоним шоша-пиша деди:

— Кечирасиз, мен сизни хайдаётганим йўк. Факат айтинг-чи, нима учун орадан шунча йиллар ўтгач, кекса бир аёлга ўтмишни эслатиб, тинчини бузишга рағбат этдингиз?

— Сиз тез орада ташрифимнинг сабабини билиб оласиз,— деди мехмон ва эшик- ка йўналди.

Хайратланган ва титраётган Луньян хоним мехмонхона ўртасида котиб турар, узоклашиб бораётган мехмонни кузатиб кўйишни хаёлига хам келтирмас эди.

Индинига Луньян хоним газеталарни варақлаётганда сўнгги саҳифада босилган хунук хабарга кўзи тушди. Унда айтилишича, жаноб Жильбер Мессонье ўзининг Париждаги уйида вафот этибди.

Француз тилидан Саидгани МУСАЕВ ва Хосият ХОЛМАТОВА таржимаси